

Миллий кутубхонада суҳбат

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида диний экстремистик оқимлар, миссионерлик, “оммавий маданият” билан боғлиқ мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда динлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлик таъминлангани, билим олиш ва қадриятларни ривожлантириш учун барча шароит яратилгани алоҳида таъкидланди. Давра суҳбатида «оммавий маданият» унсурлари ёшлар маънавияти, миллий анъана ва қадриятларга хавф солиши турли мисоллар ёрдамида тушунтирилди. Аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларнинг изчиллигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлашда фуқароларнинг огоҳлиги ва ҳушёрлигини ошириш, уларни диний-экстремистик кучларнинг гоявий таъсиридан ҳимоялаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Тадбир давомида турли диний оқимларга қўшилиб, адашган, хатосини англаб тўғри йўлга қайтганлар ҳаётдан ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Барно Мелиқулова, ЎЗА